

Куч-адолатда

Адл ила олам юзин обод қил

2021 йил
12 март,
жума
№ 10 (835)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.sud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон — Қирғизистон:

Дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш йўлида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг тақлифига биноан Қирғизистон Республикаси Президенти Садир Жапаров 11 март куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

Қирғизистон раҳбари Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов ҳамроҳлигида Мустақиллик майдонига ташриф буюрди. Олий мартабали меҳмон хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументига гул кўйди.

Кўксарой қароргоҳида олий даражадаги Ўзбекистон — Қирғизистон саммитининг асосий тадбирлари ўтказилди.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Ўзбекистон ва Қирғизистон Президентларининг тор доирадаги музокараси бўлиб ўтди.

Учрашув аввалида Президент Шавкат Мирзиёев Садир Жапаровни Қирғиз Республикаси Президенти этиб сайлангани билан яна бир бор табриклаб, қирғиз халқининг фаровонлиги йўлида олиб бораётган саъй-ҳаракатларини кўллаб-қувватлашини билдирди.

Очик ва дўстона руҳда ўтган учрашувда давлат раҳбарлари Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасидаги муносабатларнинг бугунги ҳолатини юқори баҳолади. Сийёсий, савдо-иқтисодий ва транспорт соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантиришни кенг кўламли масалаларини муҳокама қилди.

Президентлар икки мамлакат ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик асосида мустаҳкамлаб бориш, аввал қабул қилинган ҳужжатларни амалга ошириш йўлида қатъий эканини тасдиқлади. Барча соҳалардаги ҳамкорликни изчил кенгайтириш учун олий ва юқори даражадаги сийёсий мулоқотни мунтазам давом эттиришга келишиб олинди.

2017 йил 5 сентябрда имзоланган Ўзбекистон — Қирғизистон давлат чегараси тўғрисидаги шартноманинг тарихий аҳамияти қайд этилиб, мазкур чегаранинг қолган қисмларини ҳам делимитация қилиш мақсадида Хукуматлараро комиссияга музокараларни фаллаштириш бўйича кўрсатма берилди.

Мулоқотда минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди. Кўплаб масалалар бўйича томонларнинг позициялари

бир хил экани намоён бўлди.

Қирғизистон Президенти Ўзбекистоннинг минтақада ҳамкорлик ва интеграцияни мустаҳкамлашга қаратилган саъй-ҳаракатларини, Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари маслаҳат учрашувларини ўтказиш тўғрисидаги ташаббусини кўллаб-қувватлашини билдирди. Томонлар ушбу форматдаги учинчи учрашувни 2021 йилда ўтказиш муҳимлигини қайд этдилар.

Марказий Осиёга тегишли барча масалалар минтақа давлатларининг ўзи томонидан, ўзаро фойда ва манфаатларни ҳурмат қилиш тамойили асосида ҳал этилиши муҳимлиги таъкидланди.

Халқаро майдонда, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Ислон ҳамкорлик ташкилоти, Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши ва бошқа халқаро тузилмалар доирасидаги алоқаларни ривожлантириш масалалари бўйича ҳам яқдил фикр билдирилди.

Садир Жапаров Қирғизистон делегациясига кўрсатилаётган илқ меҳмондўстлик ва самимий қабул учун Шавкат Мирзиёевга миннатдорлик билдириб, давлатимиз раҳбарини ўзи учун қулай вақтда Қирғиз Республикасига ташриф буюришга таклиф қилди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғизистон Президенти Садир Жапаров музокараларни икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида давом эттирдилар.

— Биз тор доирадаги учрашувда муҳтарам Садир Нургожоевич билан Ўзбекистон — Қирғизистон муносабатларининг барча долзарб масалаларини очик, конструктив, батафсил муҳокама қилдик. Қардош мамлакатларимизни кўп асрлик дўстлик ва яхши кўшничлик ришталари боғлаб туради. Биз стратегик шерикларимиз ва бу шунчаки сўзлар эмас. Коронавирус пандемияси бир-биримизга қанчалик боғлиқ ва кераклигимизни яна бир бор кўрсатди. Шу боис илгари айтган гапларимни яна қайтараман: биз Қирғизистон билан жиддий ва кенг кўламли ҳамкорликни режалаштирганмиз. Бу йўлда барча имконият ва ресурсларимизни ишга солишга тайёرمىз. Энди ҳукуматларимиз, вазирлик ва идораларимизнинг қўшма ишлари натижага йўналтирилиши керак. Бош вазирлар ўринбосарлари ҳар ой бир марта Пре-

зидентга қилинган ишлар ва мавжуд муаммолар ҳақида ҳисобот бериши ҳақида келишиб олдик. Халқларимиз гапдан амалий ишларга ўтилаётганини ҳис этиши керак, — деди давлатимиз раҳбари.

— Сўнгги йилларда икки мамлакат муносабатлари мустаҳкамланиб, дўстона алоқалар стратегик шериклик даражасига кўтарилди. Ўзбекистон Республикаси билан икки томонлама муносабатларнинг барча соҳаларида дўстона ва яхши кўшничлик алоқаларини изчил ривожлантириш Қирғизистон Республикаси ташқи сийёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Қирғизистон савдо-иқтисодий ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтиришга алоҳида аҳамият беради. Биз ўзаро товар айирбошлаш ҳажминини икки миллиард АҚШ долларига етказиш мақсадида ҳар икки мамлакат бозорларига товар ва хизматларнинг кириши учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича биргаликда ишлашга тайёرمىз, — деди Қирғизистон Президенти.

Музокараларда асосий эътибор икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларига қаратилди.

Таъкидланганидек, бу борадаги кўрсаткичлар ижобий динамикага эга. Хусусан, сўнгги тўрт йилда ўзаро савдо беш баробардан зиёдга ўсган ва 900 миллион доллардан ошган.

Давлат раҳбарлари ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш стратегик шерикликнинг устувор йўналиши эканини таъкидладди. Савдо айланмасини диверсификация қилиш ва номенклатурасини кенгайтириш орқали келгуси йилларда унинг ҳажминини икки баробар кўпайтириш имконияти борлиги қайд этилди.

Шу мақсадда икки мамлакат бозорларида хариддориги бўлган, жумладан, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар етказиб бериш, ташқи савдо инфратузилмаси ва экспорт-импорт операцияларини кўллаб-қувватлашга келишиб олинди. Савдо-иқтисодий алоқалар ривожидида Ўзбекистон Республикаси билан Қирғиз Республикаси ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия муҳим ўрин тутаётгани эътироф этилди. Келишувларни амалга ошириш мақсадида ҳукумат раҳбарларига комиссиянинг навбатдаги йиғилишини тез орада ўтказиш

вазифаси кўйилди. Савдо уйлари фаолиятини кенгайтириш, бизнес форумлар ва саноат маҳсулотлари кўргазмаларини ўтказиш зарурлиги таъкидланди.

Иқтисодийнинг турли тармоқларида саноат кооперацияси бўйича аниқ лойиҳаларни амалга оширишга келишиб олинди. Булар, хусусан, Қирғизистонда энгил автомобиллар, қишлоқ хўжалиги техникалари, машиный техникаларни йиғишни йўлга қўйиш, шунингдек, чегараолди ҳудудларда тўқимачилик ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича қўшма лойиҳалардир.

Эълон қилинган капитали 200 миллион АҚШ доллари бўлган Ўзбекистон — Қирғизистон инвестиция жамғармаси ташкил этилиши белгиланди, икки мамлакат ҳукуматларига унинг фаолиятини йўлга қўйиш бўйича топшириқлар берилди.

Транспорт соҳаси ва транзит йўлакларини ривожлантириш — Ўзбекистон ва Қирғизистон ҳамкорлигининг муҳим йўналиши. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар ташқи бозорларга яқин ва самарали киришни таъминлайди. Айниқса, "Ўзбекистон-Қирғизистон-Хитой" темир йўлининг қурилиши стратегик аҳамиятга эга.

Президентлар мазкур йўлнинг қисқа вақтда барпо этилиши икки мамлакат манфаатларига тўлиқ мос келиши, минтақамизнинг транзит салоҳиятини юзага чиқариб, жозибадорлигини оширишини алоҳида таъкидладилар. Шу боис, ушбу муҳим лойиҳа бўйича ишларни биргаликда давом эттиришга келишиб олинди.

"Тошкент-Андижон-Ўш-Ирқиштом-Қошғар" халқаро мультимодаль йўналиши ҳам савдо ҳажми ортисига хизмат қилади. Шунингдек, икки мамлакат шаҳарлари ўртасида автобус, темир йўл ва авиақатновларни қайта тиклаш ва чегараолди йўловчи ва туристлар оқимининг кўпайишида муҳим омил бўлади.

Алоқаларнинг яна бир катта йўналиши — ҳудудлараро ҳамкорлик. Бу борада 2017 йил 5 сентябрда ҳукуматлар ўртасида битим ҳамда икки мамлакат вилоят ва шаҳарлари ўртасида келишувлар имзоланган. 2018 йилда Ҳокимлар ва чегараолди вилоятлар маъмуриятлари раҳбарлари кенгаши тузилган.

(Давоми 2-бетда) ►

Бугунги кунда мамлакатимизда кенг кўламли суд-ҳуқуқ ислохотлари амалга оширилмоқда. Мазкур ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида Фуқаролик кодексининг янги таҳририни яратиш устида ишлар олиб борилмақда.

Фуқаролик кодексига қандай ўзгартришлар киритилмоқда?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги фармойишида белгиланганидек, Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш зарурати келиб чиқди ва шу фармойиш асосида янги Фуқаролик кодексининг лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Лойиҳада назарда тутилган ҳар бир модданинг моҳиятини кенг оммага етказиб бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабида "Ўзбекистон Республикасининг янги Фуқаролик кодекси лойиҳаси: фуқаролик ҳуқуқи билан тартибга солинадиган муносабатлар доираси" мавзусида илмий-назарий дарава суҳбати ташкил этилди.

Нега Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштиришга зарурат пайдо бўлди?

Фуқаролик кодексига эскирган ҳуқуқий институтлар, шунингдек, бозор иқтисодиётига асосланган ривожланган давлатлар ҳуқуқий тизимида мавжуд бўлмаган юридик

шахсларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли сақланиб қолган. "Тижорат таваккалчилиги", "хўжалик юритувчи субъектлар тенглиги", "адолатли компенсация", "шартномавий мажбуриятларни бажаришдан бош тортиш" каби аънанавий фуқаролик-ҳуқуқий институтлар мавжуд эмас.

Замонавий бозор шароитларида талаб этиладиган фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар ва муносабатларнинг алоҳида шакллари, шу жумладан, давлат-хусусий шериклиги, дилерлик шартномаси, улушли қурувчилик, кластер ишлаб чиқариш, электрон тижорат, крипто-валюта айланмаси, ер участкасини хусусийлаштириш ва бошқаларни тартибга солиш назарда тутилмаган.

Фуқаролик кодексига кўп миқдордаги ҳаволаки нормаларнинг мавжудлиги кодекснинг тўғридан-тўғри амал қилувчи ҳужжатга айланишига тўсқинлик қилмоқда ва унинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш бора-сидаги мақомини пасайтирмоқда.

(Давоми 3-бетда) ►

Қонун ижодкорлиги

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодекс: лойиҳадаги янгиликлар соҳага доир иш юритиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган

Ағлия вазирлиги масъул ташкилотлар билан ҳамкорликда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳасини тайёрлади. Ушбу лойиҳа Президентимизнинг 2020 йил 22 июндаги Фармони билан тасдиқланган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси" 56-банди ижросининг амалий ифодасидур.

Хўш, ушбу кодекс лойиҳаси амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексдан қандай жиҳатлари билан фаркланади?

Бу саволга жавобан шуни айтиш керакки, тартибга солинадиган муносабатлар

доирасидан келиб чиқиб, кодекс номи **Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодекс** деб номланмоқда. Шунингдек, лойиҳада бир қатор муҳим ўзгартришлар назарда тутилган.

(Давоми 2-бетда) ►

Бировга қарз бериш

орқали муҳтож кишининг овирини энгил қилиш яхши, албатта. Бироқ қарз олувчининг муаммоси ҳал бўлиши асосида қарз берувчига пайдо бўладиган муаммо ва кейинчалик икки ўртада келиб чиқадиган низо бундай яхшиликнинг савобини йўққа чиқариши ҳам бор гап.

Фуқаролик қонунчилиги

Қарз юки

у қонунчиликда қандай тартибга солинган?



Афсуски, бугунги кунда қарз масаласи билан боғлиқ низо-



лар оз эмас. Фуқаролик судларида кўрилаётган низоларнинг салмоқли қисмини ҳам қарз олди-бердисига тааллуқли ишлар ташкил этади. Шунинг ўзиде бугунги кунда одамлар ўртасидаги қарз муносабатлари нечоғли оғриқли тус олиб бораётганини кўрсатади.

(Давоми 4-бетда) ►

Ўзбекистон Президенти Абу-Даби Валиаҳди билан телефон орқали мулоқот қилди

11 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Абу-Даби Амирлиги валиаҳди, Бирлашган Араб Амирликлари Қуроли Кучлари Олий бош қўмондони ўринбосари Шайх Муҳаммад бин Зайд Ол Наҳаённинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Абу-Даби валиаҳдини таваллуд куни билан самимий муборакбод этиб, дўст Амирликлар халқига фаровонлик, муваффақиятлар ва раванк тилади.

Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қирралли ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

2019 йил март ойида Бирлашган Араб Амирликларига амалга оширилган олий даражадаги ташрифда эришилган

келишувларни рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратилди.

Энергетика, саноат, қишлоқ хўжалиги, молия, инфратузилма йўналишларида йирик қўшма лойиҳаларни, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларидаги қатор муҳим дастурларни амалга оширишни давом эттириш муҳим экани таъкидланди.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

ЎЗА

Одиллик тамойили


Прокурор айбловдан воз кечди



Маълумки, 2021 йил суд-ҳуқуқ тизимида муҳим тарихий янгилашни ва ўзгаришлар юз бераётгани билан эсда қоларли тарзда бошланди. Яъни Президентимизнинг 2020 йил 24 июлда имзоланган "Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда 2020 йил 10 августдаги "Суд-тергов фаолиятида шахсининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш қафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонлари доирасида суд-ҳуқуқ ислохотлари кўлами янада кенгайди.

(Давоми 3-бетда) ►

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судларда муносабатларни кўриб чиқиш жараёнини онлайн тарзда кузатиб бориш тизими (https://my.sud.uz/#/monitoring)



2020 йилнинг сентябрь ойида Олий суднинг Интерактив хизматлар порталида (my.sud.uz) жойлаштирилган "Онлайн кузатув" руқни орқали фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари муносабатларини судларда кўриб чиқиш билан боғлиқ маълумотларни онлайн тарзда кузатиб бориш мумкин.

Ахборот тизимининг имкониятлари қуйидагилардан иборат:

- судга тақдим қилинган муносабат ҳолати ҳақидаги маълумотларни инсон омилсиз онлайн тарзда олиш;
- фуқаро суд биносига келмасдан ёки суднинг қақуриув ҳужжати (ажрими) этиб боргунга қадар муносабатларни судда кўриб чиқиши билан боғлиқ маълумотларни, яъни муносабатни судда рўйхатга олинган санаси, уни кўриб қиқувчи масъул судьянинг исми-шарифи, муносабатни суд мажлисига тайинланган санаси ва вақти, ишдаги тарафлар номи ҳамда муносабатнинг якуний натижалари ҳақидаги маълумотлар билан онлайн тарзда танишиб бориш;
- фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига судларга қоғоз ёки электрон шаклда муносабат қилинишидан қатъи назар, мазкур тартибдан фойдаланиш имкониятини яратиб бериш;
- нафақат судларга муносабат қилувчи шахслар, балки ишда иштирок этувчи бошқа тарафлар учун ҳам ушбу тартибдан фойдаланиш имконини яратиш.

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Энг асосийси, давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 24 июлда имзоланган Фармони 2-бандида давлат айбловчиси айбловдан воз кечган тақдирда реабилитация асосларига кўра, жиноят ишини тугатиш масаласи қайд этилган. Яқинда Фаргона вилояти судида ана шундай иш кўриб чиқилди. Бу Фаргона туманининг "Хўжа Аҳмад Вале" маҳалласида яшовчи Фарҳод Шаҳобовга оид жиноят ишидир.

Айтиш керакики, Қирғизистон Республикасида яшовчи, дастлабки терговда шахсини аниқлашни имкони бўлмаган "Нурилло" исмли шахс ўзaro савдо-сотик жараёнида Фарҳоддан 1500 АҚШ доллар миқдоридан қарз бўлиб қолади. Бунинг эвазига иккала йигит давлат чегарасини кесиб ўтиш қоидаларини бузмаган ҳолда тамаки маҳсулотларини Қирғизистон Республикасида мамлакатимиз ҳудудида олиб ўтиш режасини тузишади. Шунга биноан, 2020 йил 10 сентябрь куни соат 12:30 ларда Нурилло уч дона целлофан пакетга солинган, 2960 кути "Милано" номли тамаки маҳсулотини икки қўшни давлатни ажратиб турувчи, шох-шаббалар билан ҳосил қилинган тўсиқ устидан иргитиб, ўтказиб беради. Кейин эса, Фарҳод тамаки маҳсулотини отаси Ш.Шаҳобовга тегишли "Хундай портер" русумли автомашинага юклаб, туман марказига йўл олади. Унинг мақсади тамаки маҳсулотини бозордаги савдогарларга сотиш эди. Бироқ йўлда уни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳодимлари тўхтатишади. Натижада Ф.Шаҳобовнинг қилмиши фош бўлади. Фаргона шаҳридаги "Континент имкон баҳо" масъулияти чекланган жамияти мутахассислари эса, 2020 йил 14 декабрдаги 516-сонли баҳолаш ҳисоботи билан ашёвий далил тариқасида олинган маҳсулотнинг умумий нархини 24.272.000 сўмга баҳолашади. Оқибатда Ф.Шаҳобовга нисбатан Жиноят кодексининг 186¹-моддаси (Этил спирти, алкоғолли ва тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда муомалага кириштириш) ва 186¹-моддаси (Этил спирти, алкоғолли ва тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда муомалага кириштириш) қўрилган жазо қўлланилганидан кейин судир этишнинг 1-қисми билан жиноят иши кўзга тилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ушбу жиноят объектив томондан анча миқдорда ёхуд худди шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин судир этилган этил спирти, алкоғолли ёки тамаки маҳсулотини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага кириштиришда ифодаланади. Жиноят қонунчилигида эса, анча миқдор деб, базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан юз бараваригача бўлган миқдорга айтилади. Президентимизнинг 2020 йил 30 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида" ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарорига мувофиқ, 2021 йил 1 февралдан бошлаб мамлакатимиз ҳудудида базавий ҳисоблаш миқдо-

ри 245.000 сўм этиб белгиланган. Мазкур сумманинг юз баравари 24.500.000 сўмни ташкил этади. Бинобарин, айна пайтда Фарҳод Шаҳобов судир этган 24.272.000 сўмлик тамаки маҳсулотларини муомалага кириштириш жинояти анча эмас, балки кўп бўлмаган миқдорни ташкил қилади. Бундан кўринадики, тергов органи томонидан унга нисбатан тўғри айб эълон қилинган бўлса-да, лекин судир этилган жиноят ишини судда кўриш жараёнида жиноят таркибини бермайдди. Қолаверса, Ф.Шаҳобов муқаддам Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 186¹-моддаси билан маъмурий жавобгарлик тортилмаган. Шу боис ушбу ишда қатнаш-

Бундан ташқари Фармоннинг 2-бандида ўта оғир жиноят содир этганликда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларга оид ишлар бўйича, шунингдек, шахсга нисбатан қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш масаласи кўриб чиқилаётганда ҳимоячининг иштирок этиши шартлиги белгиланган. Албатта, ушбу янги қоида бугун амалда ҳам ўзининг тўлиқ ифодасини топмакда.

Муҳими, ушбу янги қоида ижросини таъминлаш мақсадида Жиноят-процессуал кодексининг 51-моддаси (Ҳимоячи иштирок этиши шарт бўлган ҳоллар) биринчи қисми 8¹-8⁴-бандлари билан тўл-

сусан, 2020 йилнинг 17 январь куни Учкўприк тумани, Янгикишлоқ маҳалласида яшовчи, савдо-сотик фаолияти билан шуғулланувчи Музаффар Умаралиев таниши Бехруз Маликовнинг илтимосига кўра, Хомиджон Икромов (исм-шарифлар ўзгартирилган)га 33.565.000 сўмни 3500 АҚШ доллари (1 АҚШ долларини 9670 сўмдан)га алмаштириб бераётган пайтда Бош прокуратура ҳузурдаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Учкўприк тумани бўлими ходимлари томонидан ушланади.

Аниқланишича, Департаментнинг Бувайда тумани бўлими инспектори вазифасида ишловчи Хомиджон Ик-

ромов 2019 йилнинг ноябрь ойида таниши И.Қодировга автомашина сотиб олмақчи эканини, шунинг учун пулини АҚШ долларида алмаштириш зарурлигини айтиди. Аслида унинг мақсади бутунлай бошқа эди. Аниқроғи, у Департаментнинг Учкўприк тумани бўлими томонидан валюта олди-сотида сўм бўйича қонуний ҳолатни аниқлаш ҳамда бу юзасидан ўтказилиши режалаштирилмаган ҳамда бу ҳолатлар қонуний тартибда расмийлаштирилмагани ҳам Департамент ходимининг хатти-ҳаракати ноқонуний эканлигини тасдиқлайди. Бинобарин, суд айбдорларга жазо тайинлаш баробарида инспектор Х.Икромовнинг ноқонуний ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериш учун ҳусусий ажрим чиқариб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига юборди.

Албатта, энди бундай ҳолатларга йўл қўйилмайди. Энг эътиборлиси, давлатимиз раҳбарининг юқорида қайд этилган фармонлари ижроси судларда ҳар бир ишда адолат қарор топаётгани билан таъминланмоқда. Натижада ҳамюртларимизнинг давлат идоралари ва одил судловга бўлган ишончи ҳам ортиб бормоқда.

Шухрат КАМОЛОВ,
Фаргона вилояти суди раиси
Хуршид СУЛТОНОВ,
журналист

Фуқаролик кодексига қандай ўзгартиришлар киритилмоқда?

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Бир-бирига ўхшаш ва бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклларида ташкил толган юридик шахсларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари кўп. Фуқаролик кодексига фуқаролик ҳуқуқи институтларига тааллуқли бўлмаган оммавий ҳуқуқ нормалари, ҳусусий мулк ва шартномавий муносабатларга оид асосланмаган миқдордаги чекловлар мавжуд.

Давра суҳбатда янги таҳрирдаги кодекс лойиҳаси бандма-банд, моддама-модда таҳлил қилинди. Кенг жамоатчиликка янги киритилаётган ўзгартиришларни етказиш, музокараларга сабаб бўлаётган муаммолар ечимини топиш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

— Бугунги кунда ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётида юзага келаётган низоларни ҳал қилишда тарафлар ўртасидаги муносабатлар ташкилий-ҳуқуқий муносабат эканлигига алоҳида эътибор қаратилиши, уларни ҳал этишда ушбу муносабатларнинг ҳусусиятлари ҳисобга олиниш ҳолати учрамайди, — дейди Судьялар олий мактаби кафедра мудири Илҳом Насриев. — Кўпинча, ташкилий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларда умумий йиғилиш ваколатига қирадиган масалаларни умумий йиғилиш чакирмасдан ҳал этиш ёки умумий йиғилиш ҳақида хабар қилмаслик, акциядорни реестрга киритмаслик, кун тартибини алмаштириш ёхуд баённомани сохталаштириш каби ҳолатлар эътибордан четда қолиб кетмоқда. Акциядорлар ва акциядорлик жамияти бошқарув органи ўртасидаги мулкий тўғрисида бўлмаган, ташкилий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни ҳал этишга оид умумий амалиётнинг шаклланишига кўнунларни қўллашда турли хилдаги ёндашувларга сабаб бўлмоқда.

Мамлакатимизда иқтисодиёт эркинлаштирилиши ва тадбиркорлик, кичик бизнес субъектлари ривожланишига ҳуқуқий замин яратилиб, иқтисодиёт асосларини турли хил мулкчилик шакллари ташкил этиши Асосий қонунимиз — Конституцияда эътироф этилиши ва мустақамлаб қўйилиши жамиятда янги янги ҳуқуқий муносабатлар, жумладан, корпоратив муносабатлар шаклланиши ва ривожланишининг энг асосий ва муҳим ҳуқуқий

манбаси бўлиб хизмат қилди. Жамиятимизда барча мулкчилик шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги таъминланиши иқтисодиётда турли хил мулкчиликка асосланган юридик шахслар ташкил этилишига асос бўлди.

Ушбу юридик шахсларни ташкил этиш, бошқариш, тугатиш соҳасида унинг таъсирлари, мулкдорлари ва бошқарув органи ўртасида турли хил муносабатлар шаклланиб, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари доираси вужудга келди ва кенга борди. Натижада ижтимоий муносабатларнинг янги турлари бўлган корпоратив ҳуқуқий муносабатлар вужудга келди ва ривожлана бормоқда.

Амалдаги Фуқаролик кодексига юридик шахслар, уларнинг турлари, шакллари, юридик шахсларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш, тугатиш масалалари белгиланган бўлиб, корпоратив муносабатлар тўғрисида нормалар Ўзбекистон Республикасининг "Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида" ги қонуни, Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида" ги қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинар эди.

Янги таҳрирдаги Фуқаролик кодексининг "Юридик шахслар" деб номланган 4-бобига 66-модда "Юридик шахснинг қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарорни ҳақиқий эмас деб топиш оқибатлари", 73-модда "Корпоратив шартнома" номли корпоратив муносабатлар тўғрисидаги қоидалар киритилмоқда.

Шунингдек, корпоратив шартноманинг шакли, ҳўжалик жамиятларининг корпоратив шартномани тўзган иштирокчиларининг корпоратив шартнома тарафи бўлмаган жамиятнинг иштирокчилари ва жамият билан ўзаро муносабатлари тўғрисидаги қоидалар акт эди.

Янги таҳрирдаги Фуқаролик кодексига ушбу нормаларнинг киритилиши корпоратив ва унинг иштирокчиларининг ҳуқуқий ҳолатларининг мустақамлашиши, корпоратив ташкил этиш, бошқариш, улушлар, пайлар ва акциялар асосида иштирок этиш механизмларининг такомиллашуви ва замин яратиб, мамлакатимизда корпоратив ҳуқуқий муносабатлар ривожланишининг сифат жиҳатдан янги поғонага кўтарилишига ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Нурилло НАСРИЕВ,
ЎЗА муҳбири

Орамизда шундай кишилар борки, улар қайси ҳаракати жиноят эканини яхши билишади. Лекин қинғир ишларни ими-жимида қилиб юраверяшади. Бу тоифага агар "Коса кунга эмас, кунга синади", деган мақолнинг маъносини ўз вақтида англаб етмайди.

Қилмиш-қидирмиш

Дўстликка хиёнат

Жиноят ишлари бўйича Яқкасарой тумани судида бўлиб ўтган суд мажлисида дори-дармон савдоси билан шуғулланувчи қорхона раҳбарининг ана шундай қинғир иш кўриб чиқилди. Рашид (исм-шарифлар ўзгартирилган) мамлакатимизда белгиланган савдо қоидаларини қўпол равишда бузиб, мўмай даромад топишни қўзлаган.

Нафс қулига айланган Рашид ўзининг қинғир ишини амалга оширишда яқин дўсти Равшандан фойдаланган. Улар дастлаб "Дорихона" телеграм ижтимоий тармоқлари гуруҳида "Клексан" номли дори воситасини сотиш ҳақида эълон беришади.

Кўнларнинг бирида Равшанга Икром исмли таниши қўнғироқ қилиб, дори воситасига ҳаридор борлигини маълум қилади.

Рашид эса, қонунга хилоф равишда мамлакатимизга олиб келинган кўп миқдордаги дори воситасини 60 миллион



сўмга дўсти Равшан орқали сотаётганда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан қўлга олинди. Энг ёмони, тергов ва суд муҳофазаси чоғида Рашид барча айбни дўстига тўнаб, сувдан қуруқ чиқмоқчи бўлди. Бу билан дўстига хиёнат қилди. Равшан эса, сохта дўстига ишониб панд еди. Албатта, Рашид қилмишига яраша қонуний жазо олди. Лекин йўқолган ишонч қайта топа оладими? Аслида ҳамма гап шунда. Бу эса, бошқаларга сабоқ бўлса, ажаб эмас.

Санжар ИБОДОВ,
жиноят ишлари бўйича Яқкасарой тумани суди судьяси

ОДИЛИК ТИМОЙИШ



ПРОКУРОР айбловдан воз кечди

ган прокурор айбловдан воз кечди. Ўз навбатида, жиноят ишлари бўйича Фаргона туман судининг қароши ҳам худди шундай эди. Шунинг учун суд Ф.Шаҳобовни айбсиз деб топиб, оқлади. Шу билан бирга, унинг ҳаракатларида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 186¹-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари бўлгани сабабли иш материаллари маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш кўзга тилиш масаласини ҳал қилиш учун ажратиб олиниб, Фаргона тумани прокуратурасига юборилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 10 августдаги "Судтергов фаолиятида шахсининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Фармони тизимдаги ишларнинг янги босқичини бошлаб берди. Ушбу Фармоннинг 1-бандида жиноятчиликнинг олдини олиш тизими самарадорлигини ошириш, шунингдек, жиноятларнинг келиб чиқиш сабабларини ва шарт-шароитларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва уларда қонунга итоатқўйлик руҳини шакллантириш механизмини жорий қилиш вазифаси белгиланган. Мазкур қоидага биноан, Фаргона вилояти судлари томонидан 319 та ҳусусий ажримлар чиқарилди.

дирилди. Эндиликда суд томонидан дастлабки эшитув ўтказилаётган ишларда, ўта оғир жиноят содир этганликда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларга оид ишлар бўйича, шахсга нисбатан қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳамда ўта оғир жиноятлар учун қамоққа олиш ҳақида 326 та илтимоснома келиб тўшган бўлиб, уларнинг 319 тасида ҳимоячининг иштироки таъминланган.

Президентимизнинг юқорида қайд этилган Фармонида ўз аксини топган энг эътиборли масалалардан яна бири бу — терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов органлари ходимлари томонидан шахсни ғайриқонуний ҳаракатлар содир этишга ундаш ва бундай ундаш оқибатида судир этилган жиноят учун уни айбловни тақиқлашди. Афсуски, 2020 йилда бундай қонунбузилиш ҳолатлари қузатилган. Ху-

ромов 2019 йилнинг ноябрь ойида таниши И.Қодировга автомашина сотиб олмақчи эканини, шунинг учун пулини АҚШ долларида алмаштириш зарурлигини айтиди. Аслида унинг мақсади бутунлай бошқа эди. Аниқроғи, у Департаментнинг Учкўприк тумани бўлими томонидан валюта олди-сотида сўм бўйича қонуний ҳолатни аниқлаш ҳамда бу юзасидан ўтказилиши режалаштирилмаган ҳамда бу ҳолатлар қонуний тартибда расмийлаштирилмагани ҳам Департамент ходимининг хатти-ҳаракати ноқонуний эканлигини тасдиқлайди. Бинобарин, суд айбдорларга жазо тайинлаш баробарида инспектор Х.Икромовнинг ноқонуний ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериш учун ҳусусий ажрим чиқариб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига юборди.

Албатта, энди бундай ҳолатларга йўл қўйилмайди. Энг эътиборлиси, давлатимиз раҳбарининг юқорида қайд этилган фармонлари ижроси судларда ҳар бир ишда адолат қарор топаётгани билан таъминланмоқда. Натижада ҳамюртларимизнинг давлат идоралари ва одил судловга бўлган ишончи ҳам ортиб бормоқда.

Гирдоб

22 август куни Санобар яна ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга мурожаат этиб, қайтариб олинган пулларни Бош прокуратура ҳузурдаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Норин тумани бўлимига тақдим қилади. Оқибатда Р.Боқижоновга нисбатан жиноят иши кўзга тилади.

Норин туманидаги 27-умумтаълим мактаби директори Соҳибжон Эрмаматов ҳам нафс кутқусига алданганлардан бири. У ўтган ўқув йили бошида янги иш бошлаган "Хуқуқ" фани ўқитувчиси Жўрамирза Асадуллаевни хонасига чақиртириб, очикчасига мактабга шашга қабул қилиш ўз-ўзидан бўлмаслигини, яъни озгина "чиким" қилиши зарурлигини айтиди. — Хўш, қанча беришим керак? — дея дангал сўрайди Жўрамирза ҳам. Директор "чиким" миқдорини 150



АҚШ доллари қилиб белгилайди. Бироқ бу ишнинг жиноят эканини яхши билган ҳуқуқшунос ўқитувчи мактаб директорининг хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб, 6 октябрь куни Бош прокуратура ҳузурдаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Наманган вилояти бошқармаси "Ишонч телефони"га мурожаат қилади. Департамент ходимлари галдаги суҳбатни ёзиб олиш учун унга овоз ёзиш қурилмасини топширишади.

8 октябрь куни директор телеграм канали орқали Жўрамирза-

га "Эртага хонамга келинг, дарсингизни 13,5 соат қилиб қўйдим" деган хабарни ёзиб юборади. Бу эса, директорнинг пулни олиб келишига ундови эди. Ж.Асадуллаев айтилган вақтда директорга учрашади ва атайин баҳона қилади. — Укам талаба, шароитимиз унча яхши эмас. Шунинг учун ҳозирча юз доллар бериб турай. — Ука, бозор қилиб юбордингизку. Майли, эртага юз долларини олиб келасиз. Қолганини кейинги ойлигингиздан берасиз, — дейди раҳбар.

Эртаси куни Жўрамирза кимёвий ишлов берилган 1 миллион 30 минг сўм пулни мактаб раҳбарига олиб келиб беради. Шундан сўн директорга нисбатан жиноят иши кўзга тилади.

Албатта, қонун устуворлиги таъминланган жамиятимизда ҳеч бир жиноят жазосиз қолмайди. Яқинда ушбу жиноий ишлар жиноят ишлари бўйича Норин тумани судида кўриб чиқилди.

Суд Роҳила Боқижонова ва Соҳибжон Эрмаматовга қилмишига яраша қонуний жазо тайинлади.

Мулоҳаза қилиб кўрилса, тиббиёт ва таълим соҳасида раҳбар лавозимида ишлаган шахсларнинг коррупция гирдобига тушишига уларнинг нафсига учгани аён бўлади. Нафсини жиловлай олмаган бу кимсаларнинг аянчли тақдири бошқалар учун ўрнак бўлса, ажаб эмас.

Зеро, коррупция гирдоби касбу лавозим тиламайди.

Жасур ҚУРБОНОВ,
жиноят ишлари бўйича Норин тумани суди раиси

◀ (Бошланиш 1-бетда)

Одатда, жисмоний ва юридик шахслар ўртасидаги зиддият, можаролар суд муҳокамасига сабаб бўлади. Урни келганда шуни айтиш жоизки, қарз боис чин дўстлар, ҳатто ака-ука, ота-она, қариндош-уруғ, ҳамкасб биро-дарлар ҳам бир-бири билан юз кўрмас бўлиб кетиши мумкин.

Шу ўринда ҳаётий мисолларга эътибор қаратсак, Хонқа туманидаги Сарапоён қишлоғида яшовчи Жасур Маҳмудов ва унинг кўшниси Иброҳим Раҳимов (исм-шарифлар ўзгартирилди) ўртасида қарз олди-бердиси боис бошланган оддий баҳс-мунозара пирова-рардида катта можарога айланиши, оқибатда ўрта-даги муносабатларга жиддий путур етишини улар аввалбошданга ан-глай олишмади. Оқибатда 2018 йилнинг октяб-рь ойда И.Раҳимов Ж.Ма-ҳмудовга берган 5 милли-он сўм миқдоридagi қарз орадан ярим йил ўтса ҳамки эгасига қайтмади. Қарздор пул эгасининг қатор талаб ва сўровла-рини оқибатсиз қолдир-ди. Пирова-рарди эса, қарзни қайтариш мажбу-рияти зиммасида экани-ни очикчасига инкор этиб қўя қолди.

Таассуфки, ҳаётда ва-да вафоси билан гўзал эканини ҳаёлига ҳам кел-тирмайдиган кимсалар учраб туради. Жамият ҳаётининг ўз йўриги, та-лаб-у тақозолари бор ва у халқимиз хоҳиш-ирода-сига ҳамоханг тарзда яра-

Фуқаролик қонунчилиги

Қарз юки

у қонунчиликда қандай тартибга солинган?



тилган қонунлар, тартиб-таомиллар, қоида ва та-моиллар тимсолида муно-сиб ифодасини топган.

Масалани амалий ва ҳуқуқий ечимлари амал-даги Фуқаролик кодекс-ида аниқ ва муфассал ифо-дасини топган. Унда бел-гиланган қоидаларга из-чил риоя этган киши пу-лига ҳам, молига ҳам "ку-йиб" қолмайди.

Фуқаролик кодексининг 732-моддасига кўра, бир тараф (қарз берувчи) ик-кинчи тараф (қарз олув-чи)га қарз шартномаси асосида пул ёки турга хо-саломатлари билан белги-ланган бошқа ашёларни мулк қилиб беради. Қарз олувчи эса, уни берувчи-га бир йўла ёки бўлиб-бўлиб, ўшанча қийматда-ги пул ёхуд ашёларнинг хили, сифати, миқдорига барабар мулк-бисот (қарз суммаси)ни қайтариб бе-риш мажбуриятини зим-масига олади. Қарз шар-

томаси пул ёки ашёлар топширилган ва қабул қилиб олинган пайтдан эътиборан кучга қиради.

Бироқ масаланинг бош-қа бир эътиборли жиҳа-ти ҳам бор. Ушбу кодекс-нинг 733-моддасида уқди-рилишича, фуқаролар ўр-тасидаги қарз шартнома-си, агар унинг ҳажми энг кам иш ҳақининг ўн бара-варидан ортик бўлса, од-дий ёзма шаклда, башар-ти, тарафлардан бири юридик шахс бўлганда эса, унинг қийматидан қатъи назар, ёзма ра-вишда тузилиши шарт. Қарз шартномасининг ёзма шаклига риоя эт-маслик ушбу кодекснинг 109-моддасида уқдирил-ганидек, унинг ҳақиқий э-маслигига олиб келмай-ди, аммо низо чиққан та-қдирда тарафларни би-тимнинг тузилганлигини, мазмунини ёки бажарил-ганини гувоҳларнинг кўр-сатмалари билан тақди-

лаш ҳуқуқидан маҳрум қилади. Тарафлар битим-нинг тузилгани, мазмун-и ёки бажарилганини ёзма ёки бошқа далиллар билан тасдиқлашга ҳақли-дир. Қонунда ёхуд томон-ларнинг келишувидида тў-ғридан-тўғри кўрсатилган ҳолларда битимнинг од-дий ёзма шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий э-маслиги билан боғлиқ оқибатларга олиб келади.

Агар қарз олувчининг тилхати ёки қарз берув-чи тарафидан муайян ҳажмдаги пул ёки ашё-лар топширилганини тас-диқлайдиган бошқа ҳуж-жат мавжуд бўлса, қарз шартномаси ёзма шаклда тузилган ҳисобланади. Қонун талабига мувофиқ, қарз олувчи унинг сумма-сини тегишли шартнома-да назарда тутилган му-ддатда ёки тартибда эга-сига қайтариши шарт. Ушбу омил қарз берувчи-ларнинг қонун билан кў-риқланадиган ҳуқуқлари химоя қилинишини кафо-лақтайди. Берилган пул ёки ашёларни қайтариш му-ддатда шартномада бел-гиланмаган ҳолда, уни олувчи тараф берувчи шахсининг ушбу қарзни қайтаришга оид талаби-ни шу ҳақда сўров олин-ган санадан эътиборан ўттиз кун ичида бажари-ши лозим.

Шуни ҳам таъкидлаш

зарурки, қарз муносабат-ларидан келиб чиқадиган барча ҳолатлар ва унинг ҳуқуқий ечимлари қонун ҳужжатларида муфассал белгилаб қўйилган. Чун-ки, қарз олувчи пул ёки бошқа ашёларни берув-чидан амалда олмагани ёки шартномада кўрсатил-ганидан кам миқдорда олганини исбот қилиб, мазкур ҳужжат юзасидан даволашиш ҳуқуқига эга. Ёзма шаклда тузилиши зарур бўлган қарз шарт-номаси бўйича гувоҳлар-нинг кўрсатмалари ёр-лам даволашиш эса, мумкин эмас. Қонун шарт-номани алдас, зўрлик ишлатиш, таҳдид қилиш, таъийқ ўтказиш йўли билан ёхуд қарз олувчининг вақили берувчи тараф билан ёмон ниятда кели-ши оқибатида ёки қи-йин вазиятлар таъсирида тузилиши қоралайди. Қарз шартномаси юзасидан даволашув жараёнида те-гишли қимматликлар ҳа-қиқатан ҳам, берувчи та-рафдан олинмагани аниқ-ланса, низо объекти си-фатида муҳокама этилаёт-ган ушбу ҳужжат тузилма-ган ҳисобланади. Қарздор тараф пул ёки ашёларни берувчидан шартномада кўрсатилганидан амалда кам миқдорда олган ҳол-ларда мазкур ҳужжат ана шу миқдордаги қиммат-ликлар юзасидан тузил-

ган ҳисобланади. Қарз борасида баён этилгани сингари ҳуқу-қий асослар юқориди ис-шарифи зикр қилинган фуқаролар ўртасида ҳам рўй бергани аниқланди. Маълум бўлишича, И.Ра-ҳимов берилган қарзни музокара, мураса йўли билан ундиришининг ило-жи қолмагани боис суд-га мурожаат қилган. Бу жараёнда қарз олувчи Ж.Маҳмудов ўзи келтир-ган далилларни тасдиқ-лай олмади. Тарозидида эса, қарз берувчининг да-лил-исботлари тош бос-ди. Суд унинг қонуний та-лабини қаноатландирди. Қарздорлик бартараф қилинди.

Бундан кўринадики, қарз оқилона ва самара-ли фойдаланган ҳалол ки-шилар учун чиндан ҳам, кулай имконият. Ҳариз ниятни кўзлаганлар учун эса, мисоли боши берк кўча. Омонатга хиёнат йў-лига кирганларнинг егани ҳеч маҳал юқмайди, рўзго-ри ҳам бут бўлмайди. Тур-мушнинг пасткам, хатар-ли кўчаларидан софдил-лик, ҳалоллик, поклик ян-глиг инсоний фазилат-ларга кўл берган киши-ларгина чиқиб кета оли-шади. Қарз масаласида эса, мудом бўш ваъда-ю, куруқдан-куруқ сўзлар, уни олиш ва беришга оид жим-жимдор "далил-ис-ботлар"га эмас, балки қо-нунга, одабийлик мезон-ларига суянмоқ даркор.

Сардор КАРИМОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Урганч туманлараро суди раиси

Маълумки, ўғирлик жиноятлар ичига энг кўп тарқалгани, шу билан бирга, аянчлиларидандир. Айниқса, бир маротаба бу қилмишга кўл урган шахснинг кўзи ва кўли ўйнаб, яна ўғирликнинг "хумори" тутаверади.

Жиноят ва жазо

Ахлоқан тузалмаган йигит

такроран жиноятга кўл урди



Қува туманида яшов-чи 35 ёшли Нурмирза Содикжонов (исм-ш-рифлар ўзгартирилган) ҳам ана шундай нопок йўлни танлади. Йўқса, у дастлабки ўғирлиги учун тайинланган жазо-ни ўтаб чиққан, яна жи-ноят кўчасига қадам бос-маган бўларди. Н.Содиқ-жонов 2017 йилнинг бош-ларида биринчи маро-таба ўғирликка кўл урди. Оқибатда жиноят иш-лари бўйича Қува тумани судининг 2017 йил 25 майдаги ҳужмига кўра, Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми "а" банди билан айбдор деб топилиб, 3 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган. 2018 йил 14 июнда эса, жиноят иш-лари бўйича Заңгиота тумани судининг ажри-мига биноан, Жиноят ко-дексининг 74-моддаси асосида 1 йил 11 ой 11 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси ахлоқ ту-затиш ишлари жазоси-га алмаштирилган. Маз-кур жазони тўлиқ ўтаб, 2020 йил 9 июль куни озод бўлган. Аммо...

Бундан кўринадики, қарз оқилона ва самара-ли фойдаланган ҳалол ки-шилар учун чиндан ҳам, кулай имконият. Ҳариз ниятни кўзлаганлар учун эса, мисоли боши берк кўча. Омонатга хиёнат йў-лига кирганларнинг егани ҳеч маҳал юқмайди, рўзго-ри ҳам бут бўлмайди. Тур-мушнинг пасткам, хатар-ли кўчаларидан софдил-лик, ҳалоллик, поклик ян-глиг инсоний фазилат-ларга кўл берган киши-ларгина чиқиб кета оли-шади. Қарз масаласида эса, мудом бўш ваъда-ю, куруқдан-куруқ сўзлар, уни олиш ва беришга оид жим-жимдор "далил-ис-ботлар"га эмас, балки қо-нунга, одабийлик мезон-ларига суянмоқ даркор.

Бор-йўғи бир ойгина "танаффус"дан сўнг Нур-мирзанинг кўнгли яна ўғирликни тусаб қолди. Бинобарин, у хавфли рецидивист бўлгани ҳол-да 2020 йил 13 августдан 14 августга ўтар кечаси "Турк" маҳалласи, Минг-чинор кўчаси 202-ўйга кириб, хонадон соҳиби Абдумутал Исроилов-нинг нархи 1.200.000 сўмлик велосипедни ўғирлаб кетади. Сўнг уни дастлабки терговда аниқлашнинг имкони бўлмаган шахсга 320.000 сўмга сотиб, пулни ўз эҳтиёжига сарфлаб юбо-ради.

Шундан сўнг "ўғриги-на" йигит нақд 2 ой "жим" юрган, холос. Ана шу муддатдан сўнг — 2020 йил 14 октябр кунини фуқаро М.Урайи-мовнинг 24-умумтаълим мактаби ҳовлисида тур-ган нархи 1.500.000 сўм-лик велосипедни ўғир-лайди. Сўнгра аввалгидек номаълум шахсга 250.000 сўмга сотиб, пулни ҳаётига уради. Пирова-рардида "қаҳра-мон"имизнинг "ишта-ҳа"си очилиб кетади. Яъни эртаси кунини учин-чи ўғирликка кўл уради. Аниқроғи, у бу гал "Гў-зал" маҳалласи, Тинчлик кўчаси, 9-ўй, 39-хона-донда яшовчи Абдумалиқ Қаҳҳоровнинг нархи 700.000 сўмлик "Кама" русумли велосипедни ва баҳоси 230.000 сўм-

лик уч жуфт пойабзални ўғирлайди. Ўғирланган велосипедни эски ва таъмирталаб велоси-педларни сошлаб сотув-чи Акмалжон Мамадали-ева жиноий йўл билан кўлга киритилганини айтамай 100.000 сўмга, пойабзалларни эса, тер-говда шахсини аниқ-лашни имкони бўлма-ган кимсага сотиб юбо-ради.

Бундан кўринадики, қарз оқилона ва самара-ли фойдаланган ҳалол ки-шилар учун чиндан ҳам, кулай имконият. Ҳариз ниятни кўзлаганлар учун эса, мисоли боши берк кўча. Омонатга хиёнат йў-лига кирганларнинг егани ҳеч маҳал юқмайди, рўзго-ри ҳам бут бўлмайди. Тур-мушнинг пасткам, хатар-ли кўчаларидан софдил-лик, ҳалоллик, поклик ян-глиг инсоний фазилат-ларга кўл берган киши-ларгина чиқиб кета оли-шади. Қарз масаласида эса, мудом бўш ваъда-ю, куруқдан-куруқ сўзлар, уни олиш ва беришга оид жим-жимдор "далил-ис-ботлар"га эмас, балки қо-нунга, одабийлик мезон-ларига суянмоқ даркор.

Судланувчи бундан норози бўлиб, апелляция шикоятни берди. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, биринчи бос-қич суди Жиноят кодек-сининг 8-моддасида жи-ноят содир этишда айб-дор бўлган шахсга нис-батан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноят-нинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик да-ражасига мувофиқ бўли-ши кераклиги ҳақидаги талабидан келиб чиқиб, Н.Содиқжоновга қонуний жазо тайинлаган. Бино-барин, Фаргона вилояти судининг апелляция ҳайъати суд ҳукмини ўзгартириш, апелляция шикоятини қаноатлан-тирмасдан қолдирди.

Қилмишларидан тў-ғри хулоса чиқармаган Нурмирза Содикжонов-нинг тақдири айримлар учун сабоқ вазифасини ўташи шубҳасиз. Чунки ҳалол яшаш ўрнига қил-ган кимсаларнинг ахво-ли ҳамisha ачинарли-дир.

Феруза СИДДИҚОВА,
Фаргона вилояти суди судьяси
Зафаржон ОМОНОВ,
жиноят ишлари бўйича Қува тумани суди раиси

6 МИЛЛИОН СЎМЛИК «СЕВГИ»

Шалоло ва Ҳабибулло (исм-шарифлар ўзгартирилди) Пайариқ шаҳарчасидаги тўйхонада танишиб қолишади. Улар дастлабки пайларда кун-куноро телефон орқали гаплашиб туришарди. Кейинчалик муносабатлари қалинлашиб, шаръий никоҳ асосида турмуш қуришади.

Табииyki, бирга яшаш учун уй-жой керак. Ҳабибуллонинг "Бахрин қишлоғидан номингга уй-жой қуришга ер сотиб оламиз", деган таклифи Шалолога маъқул тушади. Шу тариқа 2018 йилнинг июнидан — октябр ойига қадар Ҳабибулло уй-жой қуриш учун ер сотиб олишини айтиб, Шалоланинг 6 миллион сўм маблағини кўлга киритади.

Бироқ орадан анча вақт ўтса-да, уй-жой масаласи ҳал бўлмайди. Шалоло бу ҳақда гап очганида, Ҳабибулло турмуш ўртоғи бетоблиги, икки нафар вояга етмаган фарзандининг ташвиши ҳам зиммасида экани, шулардан ортамаётганидан ёзғиради.

— Уй-жой ҳам бир гап бўлар, — дейди Ҳабибулло бир гал. — Ундан олдин тўй қилишимиз керак. Бусиз кўни-кўшнлар олдида ноқулай аҳволга тушапман...

Бу гапдан сўнг тўйхонада уларнинг тўйи бўлиб ўтади. Тўйнинг эртаси кунини Ҳабибулло "ишга кетяпман" деганча бу ерда бошқа қорасини кўрсатмайди. Тўй харажатларини ҳам ўзи тўлаган Шалоло алданганини англаб етган пайтда Ҳабибулло бошқа бир жувонни тузоғига илтириш, унинг бойликларини фирибгарлик йўли билан кўлга киритиш илнжиди янги ҳийлани кўллаш билан овора эди...

Янги "ўлжа"

Ҳабибулло Шалоло билан тўйи бўлишидан бироз аввал "Дўстлик" маҳалласида яшовчи Навбахор исмли жувон билан тасодифан танишиб қолган эди. Турмушдан ажрашган, ўғли билан ота-онасиникида яшаётган Навбахор ўзини Самарқанд вилояти ҳокимлигининг иқтисодийёт бўлимида ишловчи масъу-лодом деб таништирган Ҳабибуллонинг алдовига тез учайди.

Аниқроғи, Ҳабибуллонинг беш йил олдин хотинининг вафот этгани, Аъзамжон исмли ёлғиз ўғли Тошкент шаҳрида футбол-интернат мактабидида ўқиётгани, отаси оғир хасталикка чалингани боис онаси уни хориж давлатига давола-тишга олиб кетгани каби ёлғон дийдиёларини эшитгач, Навбахорнинг сўққабош эркакка раҳми келиб кетади. Шу боис Ҳабибуллонинг турмуш қуриш ҳақидаги таклифига узок ўйлаб ўтирмай рози бўлади. Шаръий

Эҳтиёт бўлинг, фирибгар!

УСТАМОН АЛДОҚЧИ

никоҳ асосида улар Навбахор-нинг қариндошларидан бири-нинг кўшини қишлоқдаги бўш турган ҳовлисида яшай бошлашади.

Самарқанд шаҳридаги олий таълим муассасаларидан бири-да сиртдан ўқиётган Навбахор шартнома пулини тўлаши учун пластик картасига иш ҳақидан 5 миллион 300 минг сўм йиғиб қўйганини билиб қолган Ҳабибулло шартнома тўловини бирон-бир фермер хўжалиги ҳисобидан ўтказиб беришни ваъда беради.

Унинг гапларига ишониб, пластик картани берган Навбахорга 300 минг сўмни қайтарган Ҳабибулло 5 миллион сўмни ўз эҳтиёжи учун сарфлаб юборади. Шундан сўнг уйга келмай кўяди. Бу Навбахорнинг кўнглида шубҳа-ғумон уйғотади ва Ҳабибулло ҳақида суришти-ра бошлайди. Лекин тайинли маълумот тополмайди. Шу ора-да Навбахор уй-жой масаласи-да туман хотин-қизлар қўмита-сига мурожаат қилади. Туман ҳокимлиги уни ўрганиб чиқиб, Навбахорга тиббийёт коллежи-нинг бўш турган ётоқхонасидан яшаш учун учта хона ажратиб беради.

Навбахор ўғли билан янги жойга кўчиб ўтганда қўтилмаган-да Ҳабибулло пайдо бўлади ва улар яна бирга яшай бошлайди...

"УЙ" ОПЕРАЦИЯСИ

Самарқанд шаҳрида яшовчи Али Нуримов Пайариққа келиб, новвойлик билан шуғулланаётган эди. У оиласи билан ижарада яшарди. Бир гал йўловчи машинада Самарқанддан Пайариққа келаётганида у Ҳабибулло билан танишади. Танишувга Ҳабибуллонинг уй-жойдан гап очгани сабаб бўлади.

— Агар озгина пулингиз бўл-са, мен сизга янги уй олиб бераман, — дейди Ҳабибулло суҳбатдошининг ижарада яша-

кредит маблағи олиб бераман", деб ваъда берган Ҳабибулло 10 миллион сўмни туман ҳокимининг ўринбосари Э.Бердикулов-га бериш зарурлигини айтади. Янги уй олиш илнжидидаги Али пулни Ҳабибуллонинг кўлига тут-қазади.

Икки кундан сўнг Ҳабибулло Алига уйнинг коммунал тўловлар-ни қайд этиш дафтарчаси ва банкнинг тўлов жадавалини бе-риб, қолган 18 миллион сўмни та-лаб қилади. "Ун бешинчи март-гача янги уйга кўчиб ўтасиз" де-



Суд очерки

ётганини эшитгач. — Туман хо-қимининг қурилиш масалала-ри бўйича ўринбосари Элбек Бердикулов яқин ўртоғим бў-лади...

Ҳақиқатан ҳам, ўша кезлари туманда икки қаватли уйлар ку-риляётган эди. Али Нуримов Ҳа-бибуллонинг таклифига ўйлаб-не-тиб ўтирмай рози бўлади. Са-вобталаб, ҳимматли янги тани-шининг топшириги бўйича ўзи-нинг уй-жой йўқлиги ҳақида ма-ълумотнома, ўзи ва оила аъзола-рининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаларини олиб келиб беради.

"Уйнинг бошланғич нархи 28 миллион сўм бўлади. Қолгани учун банкдан сизга ўн уч йилга

ган ваъдага ишонган Али қарин-дошларидан 18 миллион сўм қарз олиб, Ҳабибуллога беради.

Кейинги кунини "ҳожатбарор" Ҳабибулло Али билан учрашиб, "уйники" деб кўлига уч дона калит беради ва янги уйни "ювиш" учун Алининг ижарада-ги уйида меҳмон бўлади.

Эрталаб Ҳабибулло Алига "тушдан сўнг қурувчи билан бирга уйингни кўрсатаман" де-ганча жуфтани ростилайди. Ҳабибулло келмагач, Али янги қуриляётган уйларга бориб, ҳамма эшикка кўлидаги калит-ларни солиб кўради. Лекин улар биронта эшикка тўғри кел-майди. Чунки уйнинг ўз эгаси бор эди...

БУЗОҚНИНГ ЮГУРГАНИ...

Аслида Ш.Жалилова ва Н.Ға-ниевага шаръий йўл билан уй-ланиб, бирини олти, иккинчисини беш, фуқаро А.Нуримовни эса, йигирма саккиз миллион сўмга "чув" туширган бу кимса Пайариқ туманининг Гулистон қишлоғида яшовчи Қаҳрамон Хушназаров эди.

Бирон жойда тайинли ишла-маган Қ.Хушназаровнинг фири-би ортидан азият чекканлар фа-қат номлари тилга олинган жабрланувчилар эмас. Қаҳрамон бошқаларни ҳам лаққилатган экан. Улар пешона тери билан топган пулларини фирибгар-нинг кўлига тутқазилганини жу-да кеч билишди.

Алдов ва фирибнинг умри қисқа. Қаҳрамон Хушназаров-нинг қилмишлари ҳам вақти кел-ганда фош этилди. Унга нисба-тан жиноят иши кўзгатилиб, иши терговга оширилди. Даст-лабки тергов чоғида Пайариқ тумани ҳокимининг қурилиш ма-салалари бўйича ўринбосари Э.Бердикулов Қаҳрамон Хушна-заровни умуман танимаслиги, унинг қилмишларига мутлақо алоқаси йўқлигини маълум қил-ди.

Суд судланувчи Қ.Хушназа-ровни Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми "б" банди ва 28, 211-моддаси 2-қисми "а" бандида назарда тутилган жи-ноятларни содир этганликда айбдор деб топиб, озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлан-ди. Хукмда судланувчидан жабр-ланувчиларга етказилган зарар-ни ундириш қайд этилди.

Хуллас, устамон алдоқчининг фирибгарлик қилмишлари суд-нинг қонуний ва адолатли ҳукми билан янги топди. Аммо фири-барнинг тегирмон тоши айлани-шига жабрланувчиларнинг ўта ишонувчанлиги сабаб бўлгани-ни ҳам қайд этиш зарур. Демак, ҳар кимнинг гапига лаққа ишо-ниб, чув тушиш огоҳлик белги-си эмас. Буни асло унутмаслик керак.

Муҳиддин ТЎХТАЕВ,
Самарқанд вилояти суди судьяси
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Куч — адолатда" муҳбири

Куч — адолатда

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.



ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

- Козимджан КАМИЛОВ Бахтиёр ИСАКОВ
- Робохан МАХМУДОВА Холмуҳин ЕДГОРОВ
- Халилullo ТУРАХУЖАЕВ Зарифжон МИРЗАКУЛОВ
- Икром МУСЛИМОВ Замира ЭСОНОВА
- Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:

- Сардор ҲАМРОЕВ
- Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-ўй. Манзиллими: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-ўй. Тел.: (0 371) 241-01-56, 239-02-54

Е-mail: kuch-adolatda@mail.ru. Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575. Буюртма: Г-315 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 7610. 1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 22⁰⁰. Топширилди: 2⁵⁵.